

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фарғона сувқурилишинвест» ДМ номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи директори Ш. Юлдашев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Фарғона Раҳматжон Топограф» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **З.Раҳматов** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### 1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан № 44421 ЛОТ «Фарғона вилояти Учқўприк туманида «Сарқўргон» гидроузели «Ташламасой» узани ПК0+10 дан ПК 1+00 гача реконструкция қилиш» объектнинг лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда; 2022 й. «03» 11-кунги танлов хайъати йигилиши баёнига асосан олган ҳолда жорий нархларда **12 150 000** (Ўн икки бир юз эллик минг) сўмни, (ҚҚС билан).Шундан муаллифлик назорати ишлари **650 000** (олти юз эллик минг) сўмни таш қилади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан **5** кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар **2022 йил «20» мартда** буюртмачига тўлиқ топширилади

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - қурилиш қийматини кўпайтириш энгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; - Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

### 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** фоизи миқдорида аванс ўтказилади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тугамасдан объект умумий шартномавий қиймати доирасида амалга оширилади.

5.3.Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

### 6.Ишларни бажариш

6.1.Пудратчи лойиха ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиха-смета ҳужжатлари

ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

### **7. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

### **8. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

8.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

8.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорӣ қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга кўра, Буюртмачи 10 кун тчида, далолатнома имзоланган вақтдан бошлаб, Пудратчига қақиқӣ харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича қақиқӣ қилинган харажатдан ошса, иккинчиси юқоридаги далолатномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичида фарқ суммасини қайтаришга мажбур бўлади.

### **9. Низоларни ҳал қилиш**

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### **10. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар**

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини қафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

### **11. Шартномани бекор қилиш**

11.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

11.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шарҳозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

11.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

11.4.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.  
11.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

**12.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**«Буюртмачи»**

**“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ**

Манзил: Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўча №92 уй

Тел./факс: 73- 244-70-75

ШХР:

100010860304017049801120145

Ташкилотнинг СТИРи: 201 152 382

ИФУТ: 69 000

Фарғона вилояти буйича Ҳазначилик  
бошқармаси

ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази

(ХККМ) МФО: 00014 Ҳазначилик

бўлимасининг

СТИРи: 201 122 919

Директор:

Ш.Юлдашев



Хуқуқшунос:

[Handwritten signature]

**«Фарғона Раҳматжон Топограф»Х/К**

Фарғона ш.Ал.Фарғоний к 74 уй

х/р 20208000304670773001

“Ҳамкор” банк Истикбол филиали.

МФО 00965 ИНН: 300678571

ОКОНХ 66000

Тел: 90-409-69-99

Директор:

З.Раҳматов



[Handwritten signature]